Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 21 ноябрь, № 246 (7748) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЙЎЛИМИЗ БИТТА: ОДАМЛАРГА ҲАЛОЛ ХИЗМАТ ҚИЛИШ, ХАЛҚИМИЗНИНГ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 ноябрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва саноат корхоналари фаолияти билан танишди.

Биринчи объект Яшнобод туманидаги Технопарк бўлди. Давлат раҳбарининг 2019 йил 1 майдаги “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ушбу инновация технопарки ташкил этилган эди. Ўтган қисқа вақтда бу ерда замонавий индустрия йўлга қўйилди.

Масалан, Тошкент авиация заводи ишлаб турган 2010 йилда 50 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 30 миллион долларлик экспорт қилинган бўлса, Технопаркдаги барча лойиҳалар натижасида 2021 йилда 520 миллион долларлик маҳсулот тайёрланади ва 105 миллион долларлик экспорт қилинади.

Шунингдек, илгари 3 мингдан зиёд иш жойлари бўлган Технопаркда 6 минг 700 га яқин бўлади. Яъни маҳсулот ишлаб чиқариш 10 баробар, экспорт 3,5 баробар, иш жойлари 1,7 баробар кўпаяди.

Технопарк 7 та блокдан иборат. Бу ерда умумий қиймати 365 миллион долларлик 17 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Жорий йил февралда электрон газ ҳисоблагичлар корхонаси, августда маиший совиткичлар заводи ишга туширилган эди. Бошқа лойиҳалар ҳам бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда.

Президент шундай янги қувватлар — лифт ва эскалаторлар, форма ва қолиплар, сув насослари, саноат кондиционерлари ва совитиш тармоқлари корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди.

Лифт корхонасида давлатимиз раҳбари маҳсулотларнинг локализация даражаси билан қизиқди. Ҳозир бу кўрсаткич 32 фоизни ташкил этади.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги кўп қаватли уйларда энг катта муаммо лифтлар билан боғлиқлигини айтиб, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш эвазига таннархни тушириш, эски лифтларни алмаштириб, янгиларига сифатли хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатмалар берди. Замонавий лифтларни эксплуатация қилиш бўйича кадрлар тайёрлаш кераклиги қайд этилди.

Ушбу лойиҳа шу соҳада дунёда етакчи ишлаб чиқарувчилардан бири “Shanghai Mitsubishi” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилди. Йилига 2 минг дона лифт ишлаб чиқариш қувватига эга.

Маҳсулотлар қатор афзалликлари билан ажралиб туради. Корхона таклиф этаётган ускуналар барча турдаги бинолар, маъмурий идоралар, савдо ва кўнгилочар мажмуалар, турар-жойлар, меҳмонхоналарда фойдаланиш учун мўлжалланган. Хавфсизлик ва сифат кўрсаткичларига тўла жавоб беришини таъминлаш мақсадида ҳудудда баландлиги 60 метрли синов минораси ташкил қилинган.

Давлатимиз раҳбари форма ва қолиплар корхонасида ёш ходимлар ишини кузатди.

Президент шундай янги қувватлар — лифт ва эскалаторлар, форма ва қолиплар, сув насослари, саноат кондиционерлари ва совитиш тармоқлари корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди.

Лифт корхонасида давлатимиз раҳбари маҳсулотларнинг локализация даражаси билан қизиқди. Ҳозир бу кўрсаткич 32 фоизни ташкил этади.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги кўп қаватли уйларда энг катта муаммо лифтлар билан боғлиқлигини айтиб, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш эвазига таннархни тушириш, эски лифтларни алмаштириб, янгиларига сифатли хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатмалар берди. Замонавий лифтларни эксплуатация қилиш бўйича кадрлар тайёрлаш кераклиги қайд этилди.

Ушбу лойиҳа шу соҳада дунёда етакчи ишлаб чиқарувчилардан бири “Shanghai Mitsubishi” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилди. Йилига 2 минг дона лифт ишлаб чиқариш қувватига эга.

Маҳсулотлар қатор афзалликлари билан ажралиб туради. Корхона таклиф этаётган ускуналар барча турдаги бинолар, маъмурий идоралар, савдо ва кўнгилочар мажмуалар, турар-жойлар, меҳмонхоналарда фойдаланиш учун мўлжалланган. Хавфсизлик ва сифат кўрсаткичларига тўла жавоб беришини таъминлаш мақсадида ҳудудда баландлиги 60 метрли синов минораси ташкил қилинган.

Давлатимиз раҳбари форма ва қолиплар корхонасида ёш ходимлар ишини кузатди.

Корхонада совитилган ҳолда штамплаш йўли билан металлга шакл берувчи қолиплар ва қуйиш йўли билан пластик маҳсулотларга шакл берувчи пресс формалар ишлаб чиқарилади.

Лойиҳанинг самарадорлиги юқори бўлиб, шу турдаги бошқа пресс форма ускуналари бир дақиқада 5 та деталь ишлаб чиқарса, ушбу корхона томонидан фойдаланиладиган шундай ускуналар бир дақиқада 20 та детални ишлаб чиқаради.

— Бундай корхоналар бир эмас, бир нечта жуда муҳим иқтисодий-ижтимоий масалаларни ҳал қилади. Одамларни, айниқса, ёшларни иш билан таъминлайди. Энг асосийси, бугунги ютуғимиз — саноатда юқори технологияларни амалда ишлата оладиган замонавий миллий кадрларнинг янги авлоди етишиб чиқяпти, — деди Президент.

Шавкат Мирзиёев маҳсулотлар сифатини илғор мутахассислар таъминлашини, шу боис ёшларни бундай корхоналарда ишлашга тайёрлаш учун ўқув маркази ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Сув насослари ишлаб чиқариш корхонасининг йиллик қуввати 550 минг донани ташкил этади ва 200 та янги иш ўрни яратилади. Лойиҳа соҳанинг етакчи ишлаб чиқарувчилари “LEO” компаниялар гуруҳи ҳамда “Atlas Copco” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Маҳсулотлар, асосан, уй ва қишлоқ хўжалигида, томчилатиб суғориш ва иссиқхона мажмуаларида, шунингдек, маиший сув иситиш тизимларининг ажралмас қисми сифатида фойдаланишга мўлжалланган. Ишлаб чиқаришда юқори сифатни таъминлаш мақсадида замонавий лаборатория ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари саноат кондиционерлари ва совитиш тармоқлари ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Бу ерда йилига 80 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилади. Лойиҳа натижасида 300 та янги иш ўрни яратишга эришилади.

Ушбу жиҳозлардан ижтимоий соҳа объектлари ва совитиш омборхоналарида бирдек фойдаланиш мумкин.

Келгуси йили Технопаркда совитувчи витриналар, иситиш радиаторлари, ошхона техникалари, фурнитура ва аксессуарлар, мис қувурлар, изоляция материаллари каби бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи 9 та корхона ишга туширилади.

Шу ерда Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари ва педагоглар билан мулоқот қилди.

— Тошкентда сифатли тиббий хизмат ва мактаб таълимига қандай эришамиз? Мени шу савол қийнайди. Сизлар билан учрашишдан мақсад қуйи тизимдаги масалаларни билиш, тўғри йўл тутиш, — деди давлатимиз раҳбари.

2020 йил барча соҳа учун катта синов бўлди. Тиббиёт ходимлари ҳам, ўқитувчилар ҳам янгича шарт-шароитда ишлашига тўғри келди.

— Оғир синовлар пайтида бирлашдик. Бу синовлар бизни изланишга мажбур қилди. Шунинг учун натижа бўлди, — деди Президент.

Айни пайтда, пандемия қайси соҳаларда оқсаш борлигини, ислоҳот, ривожланиш йўналишларини ҳам кўрсатиб берди. Жорий йил 30 октябрь куни таълим-тарбия тизими, 6 ноябрда эса соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишлари шу мақсадга қаратилган эди. Уларда муҳокама қилинган долзарб масалалар ва билдирилган таклифлар асосида таълим-тарбия ва илм-фанни ривожлантириш, бирламчи тиббий муассасалар фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш бўйича Президентнинг Фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Учрашувда таълим ва тиббиёт соҳаларидаги ислоҳотларнинг аҳамияти, уларни қуйи тизимда амалга ошириш чоралари ҳақида суҳбатлашилди.

Шавкат Мирзиёев аҳоли соғлиқни сақлаш тизимидан норози эканини таъкидлади.

— Шифохонадан чиққан 20 та одам билан гаплашинглар, ҳаммасини айтади. Кўпчилик тиббий хизматлар сифатидан норози, — деди Президент.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликларни эрта аниқлаш ва даволашнинг илғор тажрибасини жорий этиш, тиббиёт муассасалари шароитини яхшилаш бўйича фикрлар билдирилди.

Соғлиқни сақлаш ва таълим тизимлари аҳоли саломатлиги, ёш авлод камолотида ҳамоҳанг экани таъкидланди.

— Тиббиёт ва таълим — давлат ва халқ ўртасидаги адолат кўприги, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев. — Ҳаммамиз ўзимизни қийнаб, ҳалол бўлиб, бу тизимларни тўғрилаб олсак, ана шунда адолат таъминланади. Халқимиз рози бўлади. Тошкент бунда намуна бўлиши керак.

Давлатимиз раҳбари Мирзо Улуғбек туманидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт маркази қурилишини бориб кўрди.

Марказ ўз номи билан кўп тармоқли. Бу ерда жарроҳлик, реанимация, кўз микрохирургияси, умумий терапия, нефрология, пульмонология, гепатология, аллергология, кардиология, қон томир жарроҳлиги, кардиореанимация, стоматология, гастроэнтерология, эндокринология ва бошқа ихтисослаштирилган бўлимлар бўлади. Тиббий хизматлар халқаро стандартлар асосида комплекс тарзда кўрсатилади.

— Бундай, ҳамма йўналишни қамраб олган клиникани бошқариш тажрибаси бизда йўқ. Шунинг учун бу ерни бошқаришни тажрибали хорижлик менежерларга бериш, уларни ҳозирдан жалб этиб, қурилиш ва жиҳозлаш бўйича таклифларини олиш зарур, — деди давлат раҳбари.

Марказда 600 та койка бўлади. Амбулатор ва стационар тартибда 200 дан ортиқ тиббий хизмат йўлга қўйилади. Йилига 3 мингдан зиёд, жумладан, аорта-коронар шунтлаш, эстетик-пластик хирургия, артропластика, орган ва тўқималарни кўчириб ўтказиш каби юқори технологик жарроҳлик амалиётларини бажариш мумкин бўлади.

Президент Қорақалпоғистон ва вилоятларда қуриладиган клиникаларни ушбу марказ билан боғлаш муҳимлигини таъкидлади.

— Беморлар учун энг азоблиси — йўл. Узоқ ҳудудлардаги касалларга масофадан ташхис қўйиш ва даволашни ташкил этиб, халқимизни шу қийинчиликдан халос қилиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Илғор хорижий тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларнинг етакчи мутахассислари марказ фаолиятига кенг жалб этилади. Марказ фаолиятини ташкил этишда халқаро алоқаларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Германия, Туркия, Жанубий Корея, Россия каби давлатларнинг етакчи клиникалари билан ҳамкорликда чет эллик шифокорлар ишга олиниши мўлжалланган.

Бу ерда 250 нафар шифокор, 500 нафар ўрта тиббиёт ходими ишлайди. Малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида таълим — амалиёт — илм-фан интеграциясига кенг ўрин берилади.

Халқ тилида “эски ТошМИ” деб юритиладиган ҳудудда қурилаётган ушбу замонавий шифохонани келгуси йил декабрда фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига ташриф буюрди.

Бу ерда кардиожарроҳлик, трансплантология ва нейро-қон томир жарроҳлиги бўлимлари учун 75 ўринли янги бино қурилмоқда. Бунинг натижасида мазкур мураккаб йўналишларда замонавий шароит яратилади ҳамда жарроҳлик амалиётлари ўтказиш қамрови ошади.

Ушбу бўлимларда йилига қўшимча 3 минг беморга юқори технологик шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишга имконият яратилади.

Ҳозирги кеча-кундузда кардиожарроҳлик бўлимида 400 зиёд амалиётлар бажарилади. Янги бино фойдаланишга топширилгач, мазкур бўлимда йилига 700 дан ортиқ кўтарилувчи аорта ва юрак клапанларини протезлаш, кўп томирли аорта-коронар шунтлаш операцияларини ўтказиш мумкин бўлади.

Трансплантология бўлимида айни вақтда йилига 100 та амалиёт бажарилади. Янги бўлимда эса йилига 300 дан зиёд буйрак ва жигар бўлагини кўчириб ўтказиш амалиётларини йўлга қўйишга эришилади.

Нейро-қон томир хирургияси бўлимида бош мия қон томир нуқсонларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижасида йилига 200 дан зиёд ногиронликка маҳкум беморлар учун ноёб амалиётлар ўтказилади. Ҳозирги пайтгача бу бўлимда 50 тагача бемор муолажа қилинган.

Бундан ташқари, интервенцион муолажалар бўлимида ҳар йили қўшимча мингдан зиёд ўткир коронар синдром, бош мия қон айланишининг ўткир бузилишида юқори даражадаги минимал инвазив диагностика ва даволаш муолажалари амалга оширилади.

Шунингдек, бинода реанимация бўлими, интенсив даволаш ўринлари, амалиёт бўлимлари, юқори технологик ускуналарга эга ташхислаш бўлими бўлади. Янги иморат 2021 йилда фойдаланишга топширилади.

Мазкур бўлимларда ишлайдиган шифокорлар Австрия, Туркия, Япония ва Финляндиядаги тиббий илмий марказларда малака оширди.

Президент янги бўлинмалар қурилишини кўздан кечирди. Бу шифохона илмий марказ эканига алоҳида урғу бериб, малакали хизмат қамровини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун уни бирламчи бўғин билан боғлаш, чет элдан олимларни жалб этиб, жойлардаги шифокорлар билан тажриба алмаштириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

— Бизда тез тиббий ёрдамнинг туманларда ҳам филиали бор. Келаси йилда бу бинони қуриб битказиб, вилоятлардаги филиаллар билан телемедицина орқали боғлаш керак. Шунда жойлардаги тез тиббий ёрдам бўлимлари ҳам одамларга тезкор, юқори малакали ёрдам кўрсата оладиган масканларга айланади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Халқимиз маънавий савиясини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий кино санъатининг ўрни беқиёс. Ўзбек кино санъатининг ўз йўли ва анъаналари, санъатимиз дарғалари ижросида яратилган унутилмас картиналаримиз бор.

Мустақиллик йилларида ана шу анъаналарни давом эттирадиган, кино санъатимизда бурилиш бўладиган асарлар яратилди. Аммо ўтган асрда жадал фаолият олиб борган киноиндустрия корхоналари яқин ўн йиллар давомида турғунлик даврини бошдан кечирди. Фақат енгил-елпи, тижорат картиналари яратилиб, соҳа ривожи дунёдан ортда қолиб кетди.

Сифатли фильмлар яратиш учун моддий-техник база етарли эмаслиги, фильмларга ажратиладиган бюджет маблағлари камлиги, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўлақонли йўлга қўйилмагани, кинотаълим масаласига жиддий ёндашилмагани кино санъати ривожига тўсиқ бўлди.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш, миллий кинематографияни бугунги замонга мос ривожлантириш бўйича сўнгги йилларда сезиларли қадамлар ташланди. Соҳага эътибор ва рағбат берилгани боис киноасарлар мазмуни ўзгарди. Хусусан, “Имом Термизий”, “Исломхўжа”, “Элпарвар”, “Кўқон шамоли”, “101”, “Ибрат” каби тарихий фильмлар ишланди.

Президентимиз Олий Мажлисга жорий йилги Мурожаатномасида кинематография соҳасида бадиий жиҳатдан етук асарлар яратиш, замонавий киноиндустрияни ривожлантириш, жумладан, янги кинотеатрлар қуриш лозимлигини таъкидлаган эди.

“Кинематография тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача кинематографияни ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда ўзбек кинематографиясининг стратегияси, кино индустрияни ривожлантириш, соҳага бозор механизмларни жорий этиш бўйича вазифалар белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги бунёдкорликлар билан танишиш жараёнида “Ўзбекфильм” киностудиясига ҳам ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар билан танишди.

“Ўзбекфильм” узоқ йиллар давомида таъмирталаб ҳолда, яримқувватда ишлаб келди, павильонларда шароит йўқлиги, эскирган техник ускуналар сифатли киноасарлар яратишда қийинчиликлар туғдирар эди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳага катта маблағ йўналтирилди. Хусусан, “Ўзбекфильм”даги барча павильонлар таъмирланиб, янги картиналар суратга олиш учун шароит яхшиланди. Мазкур киностудия ва ҳужжатли фильмлар студиясини замонавий техникалар билан жиҳозлаш давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2020 йил 20 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ушбу ялпи мажлис иши Сенатнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда “Узрепорт” телеканали орқали тўғридан-тўғри жонли эфирда намойиш этилди.

Сенат аъзолари томонидан 17 та масала, шу жумладан, 6 та қонун муҳокама қилинди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил тўққиз ойи давомида Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Таъкидлаш жоизки, 163 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда 121 та чора-тадбирлар дастури ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш назарда тутилган Давлат дастури ижросини таъминлаш ва доимий мониторинг қилиб бориш юзасидан Ҳукуматда яхлит тизим яратилган.

Кўрилган чоралар натижасида ҳисобот даврида хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 8,7 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағлар ўзлаштирилган.

Ижтимоий ва инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 2 трлн. 824 млрд. сўм, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун 1 трлн. 211 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Жорий йилнинг III чорагида бюджетга қарийб 36,3 трлн. сўмлик даромадлар тушган.

Шу кунгача Давлат дастури доирасида жами 111 та ҳужжат қабул қилинган. Хусусан, 2 та қонун, Олий Мажлис палаталарининг 5 та қарори, Президентнинг 18 та Фармони ва 20 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори ва фармойиши ҳамда 45 та чора-тадбирлар дастури қабул қилинган ва ўрнатилган тартибда ижроси назоратга олинган.

Мажлисда сенаторлар томонидан Давлат дастурида белгиланган вазифалар ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, айниқса, ижро муддати йил давомида белгиланган бандлар ижросига алоҳида эътибор қаратиш, дастурда белгиланган ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди. Бунда ҳар бир масъул ушбу дастур, аввало, одамларни рози қилиш ва мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга қаратилганлиги нуқтаи назаридан ёндашишлари лозимлиги айтиб ўтилди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг вазирлик, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ижро этилиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, олиб борилган ўрганиш давомида амалга оширилган ишлар билан бирга тизимли хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Хусусан, қонунга биноан ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирларни (мажлис, кенгаш, учрашув, матбуот анжумани, брифинг ва бошқалар) ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда ОАВ вакилларини хабардор қилиш тартиби ишлаб чиқилмаган. Оқибатда ОАВ вакиллари оммавий тадбирлар ҳақида бехабар қолган бўлса, иккинчи томондан ҳокимият ва бошқарув органлари фақат ўзига яқин бўлган ОАВни хабардор қилиш ҳолатлари юзага келган.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Инсон ҳуқуқлари бўйича Парламент комиссияси МАҚСАДИ, ВАЗИФА ВА ВАКОЛАТЛАРИ

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси Акмал САИДОВ Парламент комиссиясини тузиш ташаббуси ва янги тузилманинг ваколатлари ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

Бизнинг суҳбат

— Аввалambor, Президентимизнинг шу йил 22 июнда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида Олий Мажлис палаталарига инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича парламент комиссиясини тузиш тавсия этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Давлат раҳбарининг ушбу тавсиясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгаши 2020 йил 25 сентябрда муҳим аҳамият касб этадиган қўшма қарор қабул қилди. Қўшма қарорга асосан, Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси тузилди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Зайниддин Низомхўжаев Парламент комиссияси раисининг ўринбосари этиб белгиланди. Парламент комиссияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари орасидан раис, раис ўринбосари ҳамда аъзолардан иборат таркибда шакллантирилди.

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 21 ноябрь

ЙЎЛИМИЗ БИТТА: ОДАМЛАРГА ҲАЛОЛ ХИЗМАТ ҚИЛИШ, ХАЛҚИМИЗНИНГ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз шу ерда кино санъати фахрийлари, режиссёрлар, соҳа мутасаддилари билан суҳбатлашди.

— Кино жуда мураккаб, халқимиз, жамиятимиз учун муҳим соҳа, — деди Шавкат Мирзиёев учрашувда. — Илгари “Ўзбекфильм” студияси хароба ҳолга келиб қолганди. Кўп жойлари, бинолари ижарага бериб юборилганди. Мана, ҳаммаси ўз эгасига — киночиларга қайтарилди.

Глобаллашув ва интернет ҳаётимизни ўзгартираётган бугунги кунда кино санъати одамлар диди ва эътиборини қозониши учун рақобатбардош бўлиши лозимлиги таъкидланди. Мамлакатимизда кино-ижодкорларга эътибор қаратилаётгани, соҳанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, бадиий етук асарлар яратиш рағбатлантирилиши қайд этилди.

— Охирги йилларда яратилган кинолаlarимизнинг сони кам бўлса ҳам, маъноси бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбек томошабини фақат чет эл телесериаллари таъсирига тушиб қолмаслиги, аксинча, тарихимиз, санъатимиз, адабиётимиз, қадриятларимизни яхши билиши, шу руҳда тарбия топиши кераклиги таъкидланди.

— Кино — тарбиянинг замини. Бу ижоднинг мактабини очишимиз керак. Ҳозир мукаммал фильмлар яратишга ҳавасимиз бор, лекин сифатлиси кам. Юртимиз тарихи ҳақида албатта фильм бўлиши керак. Бунга вақт келди, — деди давлатимиз раҳбари.

Энг сара ўзбек фильмлари 100 талигини тузиб, давлат ва хусусий телеканалларда намойиш қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Президентимиз миллий кино санъатимиз фидойиларини эътироф этиш мақсадида ҳар бир ҳудуд умумтаълим мактабларига Раззоқ Ҳамроев, Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Ҳамза Умаров, Лутфихоним Саримсоқова каби эл севган ижодкорлар номини беришни таклиф қилди.

Жаҳон кино саноати ютуқларини ўрганиш ва татбиқ этиш, ижодкорлар малакасини ошириб бориш, хусусан, ёшларни Россия давлат кинематография институтида ўқитиш бўйича фикрлар билдирилди. Шунингдек, болалар учун киностудия ташкил килиш ғояси ҳам илгари сурилди.

Учрашувда Киноарбоблар уюшмаси раиси ўринбосари Матёқуб Матжонов, Ўзбек Миллий академик драма театри директори Ёдгор Саъдиев, Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси директори Баҳодир Одилов, режиссёр Рустам Саъдиев, актёр Фарҳод Маҳмудов сўзга чиқиб, мамлакатимизда кино санъатига қаратилаётган юксак эътибор ва рағбат учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Бу ғамхўрлик ижодкорларни илҳомлантиргани, эндиликда улар миллий кино санъатимизни жаҳонга олиб чиқиш учун янада кўпроқ изланиши таъкидланди.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Тошкентнинг Чилонзор туманини ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш масалалари муҳокамаси юзасидан маҳалла раислари, ёшлар, мутасаддилар иштирокида йиғилиш ўтказди.

— Бугун туманда “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, иқтисодиётни комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича вазифаларни белгилаб олишимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари тадбир аввалида.

Чилонзорда 51 та маҳалла бор. Иқтисодий фаол аҳолининг 9 фоизи ишсиз. Киши бошига саноат ҳажми Тошкент шаҳридаги ўртача кўрсаткичдан 2 баробар паст.

Шу боис маҳаллалардаги резервлар ўрганилиб, туманни комплекс ривожлантириш бўйича икки йиллик дастур ишлаб чиқилди. У еттита асосий йўналишни қамраб олган.

Дастурга кўра, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё, фармацевтика, заргарлик каби соҳаларда умумий қиймати 10 триллион 238 миллиард сўмлик 298 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилган.

Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, йўл ва коммунал тармоқларни таъмирлаш, тиббиёт ва таълим соҳаларида янги ислоҳотларни жорий этиш, жиноятчиликни қисқартириш бўйича долзарб вазифалар белгиланди.

— Агар маҳаллабай ичига кирсак, одамлар адолатни сезади, — дея таъкидлади Президент.

Давлатимиз раҳбари йиғилишга келган ёшларнинг фикрларини тинглади. Уларнинг барча таклифларини қўллаб-қувватлаб, ижроси бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

— Тошкентда ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шаҳар ёшлари форуми ўтказилади. Тошкент ёшлари карвонбоши бўлиши керак.

Пойтахт туманларида “лойиҳалар фабрикаси” ташкил этилиб, ёшларнинг бизнес ташаббусларини амалга оширишга кўмаклашиш зарурлиги қайд этилди.

— Ўзбекистоннинг эртанги кунини пешона теримиз билан яратамиз. Ким бу ишларни қилади? Ватанни севган, фидойи инсонлар! Йўлимиз битта: одамларга ҳалол хизмат қилиш, халқимизнинг розилигига эришиш, — деди давлат раҳбари йиғилиш якунида.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маҳаллий ҳокимликлар қабул қилаётган қарор лойиҳаларини муҳокама этишлари нафақат аҳоли ўртасида, балки ОАВ вакиллари ўртасида ҳам ташкил этилмаган.

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Наманган вилоятининг Чуст ва Наманган, Фарғона вилоятининг Фарғона ва Олтиариқ, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманлари ҳокимликларининг веб-сайтларида “Фуқароларнинг мурожаатлари” бўйича рукн умуман ташкил этилмаган.

Ўрганилган ҳудудларда аҳолини қийнаётган мавжуд муаммолар бирор марта ҳокимият органларининг веб-сайтлари ва бошқа ахборот манбаларида ёритилмаган.

ОАВ юборган мурожаатларга ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан ўз вақтида муносабат билдирилмаган. Хусусан, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш (176 та), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш (140 та), Соғлиқни сақлаш (132 та), Бандлик ва меҳнат муносабатлари (47 та), Олий ва ўрта махсус таълим (39 та) вазирликлари, Олий суд (59 та), “Ўзбекнефтгаз” (19 та), “Ўзавтосаноат” (15 та) акциядорлик жамиятлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги (325 та), Самарқанд (78 та), Тошкент (78 та) ва Хоразм (31 та) вилоятлари ҳокимликлари жами 1139 та мурожаатга жавоб бермаган.

Қонунга кўра, ҳокимият ва бошқарув органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган фаолиятга оид маълумотлар янгилаб борилмаган. Айрим рукнларга эса маълумотлар умуман жойлаштирилмаган.

5 та давлат органи ва ташкилотининг расмий веб-сайтлари мавжуд эмас.

Ўрганилган ҳокимият ва бошқарув органлари мутасаддилари томонидан ахборот тақдим этиш учун мансабдор шахс белгиланмаган, фаолият очиқлигини бузган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш механизми жорий этилмаган.

Шунингдек, қонунга кўра, ҳокимият ва бошқарув органларида очиқ ҳайъат йиғилишларида ҳозир бўлиш тартиби жорий қилинмаган. Оқибатда ОАВ вакилларининг очиқ ҳайъат йиғилишларидаги иштироки таъминланмаган.

Таҳлил қилинган 113 нафар матбуот котибидан 12 нафарининг (11%) иш натижалари юқори, 55 нафари (47%) ўрта даражада баҳоланган бўлса, 20 нафари (18%) қониқарли, 26 нафарининг (23%) фаолияти паст даражада деб топилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган ахборот-маълумот материалларда имловий ҳамда грамматик хатолар сақланиб қолган.

Шунингдек, турли ижтимоий тармоқлар, гуруҳлар, каналлар ва интернет саҳифаларида муаммолар жисмоний шахслар томонидан турли миш-мишлар бўрттирилган ва асосланмаган тарзда тарқатилмоқда. Бу эса аҳоли ўртасида тушунмовчилик ва норозиликларнинг кескин ортиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Айрим вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар оммавий ахборот воситалари орқали мурожаатларга ўз вақтида муносабат билдирмай келмоқда. Танқидлар бўлмоқда, аммо уларга жавоб йўқ. Бундай ҳолатлар, афсуски, вазирликлар ва идораларнинг обрўсини туширишга олиб келиб, одамларда ислоҳотлар тақдирига ишончсизлик кайфиятини келтириб чиқариши мумкин.

Ўрганишлар натижасида аниқланган муаммо ва камчиликлар тизимли эканлигини ҳамда уларнинг ечими туб ўзгаришларни талаб қилишини кўрсатади.

Уларни ҳал этиш юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама марказида бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда содир этилаётган оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар тўлиқ фош этилиши ва жазо муқаррарлигини таъминлашни талаб этади. Бунда жиноятчилар томонидан ҳодиса жойларида ўз изларини қолдирмаслик мақсадида турли хил усуллардан фойдаланилмоқда.

Фош этилмаган жиноятлар эса, ўз навбатида, жиноятчиларга жазоланмаслик ҳиссини кучайтириб, келгуси жиноий фаолиятини давом эттиришга имкон бермоқда. Шу боис мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан Геном ахборати маълумотлар базаси ёрдамида жиноятларни очиш механизмининг жорий этилиши мураккаб ва ўта оғир ва очилмаган жиноятларнинг очилишига имкон яратади.

Мазкур қонун қабул қилиниши соҳага замонавий усул ва технологияларни жорий этишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда жиноят содир этиш усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Уларнинг асосий мақсади жиноят содир этилган жойда қолдириладиган изларни минималлаштиришдан иборат бўлиб, бу эса содир этилган жиноятларни очиш жараёнларини қийинлаштирмоқда. Геном ахборати маълумотлар базаси ёрдамида жиноятларни очиш механизмининг жорий этилиши нисбатан мураккаб, ўта оғир ва очилмаган жиноятларни очишга имкон яратиш билан бирга қилмиш учун жазо муқаррарлигини таъминлайди.

Геном ахборотининг ягона маълумотлар базаси яратилиши, ўз навбатида, бедарак йўқолган шахсларни топиш ва топилган мурдаларнинг шахсини аниқлашда уларнинг яқин қариндошлари билан идентификация қилиш имконини яратади.

Суд-тергов органларининг исботлов базасини мустаҳкамлайди, оғир ва ўта оғир жиноятларни, шунингдек, жинсий эркинликка қарши жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг Геном ахборати маълумотлар базасини юритиш орқали улар томонидан ушбу турдаги жиноятлар такроран содир этилишининг олдини олади.

Шунингдек, қонун билан бир қатор янгиликлар киритилмоқда.

Хусусан, қонунда биологик материал, геном бўйича давлат рўйхатига олиш, геномга оид ахборот ва унга ишлов бериш, геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базаси, одам ДНКсининг суд-биологик экспертизаси шахснинг биологик қариндошлари каби тушунчаларига аниқлик киритилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қонунчиликка “Шахснинг биологик қариндошлари” деган янги тушунча ҳам кириб келди.

Геном бўйича давлат рўйхатига олиш доирасидаги ваколатли органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда. Геномга оид ахборотларнинг ягона маълумотлар базасини юритишни амалга оширувчи ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳисобланади. Геномга оид ахборот инсонга тегишли бўлган ўта нозик ва муҳим бўлган конфиденциал ахборот бўлгани боис унинг бут сақланиши ва махфийлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, қонунга мувофиқ геном бўйича давлат рўйхатига олиш мажбурий ва ихтиёрий равишда амалга оширилади.

Мажбурий — оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб қилинган, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахслар, шунингдек, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ва ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун ҳукм қилинган шахслар.

Шунингдек, шахси аниқланмаган шахсларнинг терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида олинган биологик материаллари, таниб олинмаган мурдалар (тана қолдиқлари, қисмлари) ҳам мажбурий равишда амалга оширилади.

Ихтиёрий — геном бўйича давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ёзма аризаларига кўра пулли асосда амалга оширилади.

Бундан ташқари, бедарак йўқолган шахсларни қидиришга кўмаклашиш мақсадида уларнинг биологик қариндошлари бепул асосда геном бўйича ихтиёрий равишда давлат рўйхатига олишдан ўтиши мумкин.

Қонун билан геномга оид ахборотни олиш, унга ишлов бериш ва уни муҳофаза қилишнинг асосий талаблари белгиланмоқда.

Бу эса халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла жавоб берадиган қонунийлик, инсонпарварлик, махфийлик принципларига амал қилинишини таъминлайди.

Яна бир жиҳат. Биологик материал ва геномга оид ахборотни сақлаш муддатлари ва йўқ қилиб ташлашнинг тартиблари белгиланмоқда.

Агар шахс ўзининг барча биометрик маълумотлари қонунийлик асосида давлат рўйхатига олинганлигини ҳис этса ва ҳар қандай жиноий қилмиши фош этилишини олдиндан англаб етса, аксарият вазиятларда бу жиноят қилишдан қайтаради.

Мажлисда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тезкор-қидирув фаолиятида қонунийлик асосида шакллантирилган фуқароларнинг биометрик маълумотлари ҳақидаги маълумотлар базаси мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Сенаторлар томонидан “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни маъқулланди. Қонун 2023 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, касаба уюшмаси — фуқароларнинг ўз фаолияти ёки ўқиши тури бўйича умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида тузиладиган, ўз устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий жамоат бирлашмасидир.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси таркибига кирувчи 14 та тармоқ касаба уюшмаси 32,5 мингдан зиёд бошланғич ташкилотларни бирлаштирган, аъзолар сони 5,5 миллионни ташкил этиб, улардан 2,5 миллиони аёллар ҳамда 2 миллиондан ортиғи 30 ёшгача бўлган ёшлардир.

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонун билан ушбу тузилмаларга қўшимча ҳуқуқлар берилган. Касаба уюшмалари ижтимоий-иқтисодий дастурларни тузишда қатнашиш, бандлик, меҳнат муҳофазаси масалаларида ўзларининг фикрларини давлат органларига тақдимнома шаклида киритиш каби ҳуқуқларга эга.

Янги қонун билан 11 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари куни, деб белгиланиши халқимизнинг кўп миллионли вакилларини ўзида бирлаштирган тизим ходимларининг ҳамжиҳатлиги, бирдамлигини янада мустаҳкамлайди.

Айни дамда республикамизда қонун билан тасдиқланган 25 та байрам белгиланган бўлиб, 9 таси дам олиш кунлари, 16 таси эса дам олмасдан нишонланадиган касб байрамларидир.

Қонуннинг қабул қилиниши касаба уюшмалари ташкилотларини, энг аввало, маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш, ташкилот фидойи ходимларини рағбатлантиришга хизмат қилади. Бу эса меҳнаткашлар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши юзасидан жамоатчилик назорати таъсирчанлигини оширишга замин яратади.

Мажлисда ушбу сана меҳнаткашлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига давлат миқёсида катта эътибор берилаётганининг яна бир ифодаси бўлиши алоҳида таъкидланди.

Сенат аъзолари мазкур қонунни маъқуллади.

Шундан кейин “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда қурилиш материаллари бўйича 867 та, ер ости сувларининг 649 та, углеводородлар (нефть, газ, конденсат)нинг 244 та, қимматбаҳо металлар (олтин, кумуш)нинг 97 та, рангли ва нодир металларнинг 12 та, радиоактив металларнинг 38 та, кон хом ашёларининг 37 та, кон-кимёнинг 32 та, қимматбаҳо тошларнинг 30 та, кўмир ва нефть сланецининг 7 та, қора металларнинг 5 та ресурси қайд этилган.

Баъзи фойдали қазилмалар (олтин, уран, мис ва бошқалар) захиралари бўйича Ўзбекистон дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киради. Нуфузли халқаро консалтинг компанияларидан бири — “BCG” ҳисоб-китобларига кўра, кейинги ўн йил ичида мамлакатнинг инвестициявий салоҳияти 65 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог” фахрий унвонининг таъсис этилиши иқтисодиётимиз қудратини оширишга ҳар томонлама эътибор қаратилаётгани билан изоҳланади.

Ушбу фахрий унвон билан, жумладан, соҳада чуқур билимга эга кадрлар тайёрлашдаги муносиб хизматлари учун геология, геофизика, гидрогеология, топография-геодезия, ер ости бойликлари геологияси ва қидируви тармоғининг геологлари ва муҳандис-техник ходимлари ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг тажрибали мутахассислари мукофотланади.

Мазкур қонун қабул қилиниши муносабати билан “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар ҳам киритилмоқда.

Сенат аъзолари томонидан ушбу қонун маъқулланди.

Сўнгра “Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг Конституцияда кафолатланган дахлсизлигини таъминлаш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Лекин айрим жойларда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда ижроси таъминланмаган. Буни мазкур йўналишда Сенатга келиб тушаётган мурожаатлар сонининг деярли икки баробарга кўпайганидан кўриш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси маъмурий судлари томонидан маҳаллий ҳокимликларнинг қарорларини ҳақиқий эмас деб топишга доир 2019 йилда жами 3 мингга яқин ишлар кўрилган бўлиб, уларнинг 42 фоизи қаноатлантирилган.

Шу боис мазкур қонун билан “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Ер кодексига ўзгартишлар киритилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад, биринчи навбатда, ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ҳокимлар томонидан олиб қўйилишига тақиқ белгилашдир.

Киритилаётган нормага асосан, ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер эгасининг розилиги бўлган тақдирда ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорига ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади.

Қолаверса, амалдаги қоидалардан фарқли ўлароқ, энди ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан фойдаланиш ҳуқуқини фақат тўрт ҳолатда тугатиш амалга оширилиши мумкин. Яъни ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда, ер участкаси берилган муддат тугаганда, юридик шахс тугатилганда, хизматда фойдаланиш учун ер беришга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар бекор бўлганда.

Бундан ташқари, қонунда корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда мол-мулкни хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилинишига йўл қўйилмаслигини назарда тутувчи ўзгартиш киритилиши белгиланмоқда.

Мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида мулкдорлар ҳуқуқлари, уларни ўз мулкига бўлган мулк ҳуқуқидан асоссиз равишда маҳрум этишдан ҳимоя қилиш кафолати мустаҳкамланади. Қолаверса, ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарларининг ўрни, шу жумладан, давлат томонидан тўлиқ қопланади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинди.

Мазкур қонун билан “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга ҳамда Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ўзгартириш билан нарх-наво ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг якунига қадар айрим турдаги акциз солиғи ставкаларини ўзгаришсиз сақлаб туриш назарда тутилмоқда.

Қолаверса, қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш учун фойдаланилган сув ҳажмлари бўйича солиқ ставкаларининг белгиланган миқдордан 50 фоизга камайтирилиши ҳам белгиланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, қонун билан алоҳида шароитларда, яъни коронавирус пандемияси шароитида солиқ мажбуриятларини бажариш белгиланади. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан солиқларни ва бўнак тўловларини тўлашни фоизсиз кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашни тақдим этиш, шунингдек, қўшимча вақтинчалик солиқ имтиёзларини бериш назарда тутилади.

Қонуннинг маъқулланиши иқтисодий ислоҳотлар барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг тўққизинчи ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳокама марказида бўлди.

Мазкур ҳужжат билан бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек, суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш учун жавобгарликни кучайтириш орқали бундай ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишини назарда тутувчи конституциявий бурчига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар қайд этилмоқда.

Бугунги кунда амалиётда, кўплаб фуқаролар, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан хонадонларда ёки ташкилотларда ҳосил бўлаётган маиший чиқиндиларни белгиланмаган жойларга, шу жумладан, автотранспорт воситалари ёрдамида чиқариб ташлаш ҳолатлари йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ачинарли ҳол.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда республикамизда турли соҳа ва тармоқларда, шунингдек, шахсий уй-жойларда қурилиш ва таъмирлаш ишларининг кўлами ниҳоятда кенгайганлиги муносабати билан мамлакат миқёсида катта миқдорда қурилиш чиқиндилари ҳосил бўлмоқда.

Шу муносабат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек, суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш билан боғлиқ жарима миқдорларини ошириш, шу билан бирга, модданинг тегишли қисмига ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроллари ва ашёларини мусодара қилиш белгиланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши орқали фуқароларнинг экология ва атроф-муҳитни асраш борасидаги масъулиятини янада оширишга ҳамда мамлакатдаги экологик вазиятни яхшилашга эришилади.

Бундан ташқари, мазкур қонун билан “Архив иши тўғрисида”ги Қонунга ҳам ўзгартишлар киритилмоқда.

Хусусан, тугатилган ташкилотлар архив ҳужжатларини тегишли архивларга, шу жумладан, нодавлат архивларини ҳам истисно қилмаган ҳолда топшириш билан ўзгартирилмоқда.

Шу билан бирга, давлат архивлари биноларини архивлар тасарруфидан чиқариш нормаси қатъий белгилаб қўйилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу қонуннинг ҳаётга татбиқ қилиниши жамиятимизнинг кўпгина соҳаларига ижобий таъсир қилади. Хусусан, мазкур қонун мактабгача таълим тизимини мувофиқлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, дарахтлар ва бошқа ўсимликлар ғайриқонуний нобуд қилинишининг олди олиниши, чиқиндиларни ташлашни тартибга солиш орқали фуқароларнинг атроф-муҳитни асраш борасидаги масъулиятини янада оширишга ҳамда экологик вазиятни яхшилаш, ер ости бойликлари билан ишлашни тизимлаштириш, ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш янада соддалаштирилишида дастуриламал бўлади. Шунингдек, аҳолининг ишсиз қатламини иш билан таъминлаш, давлат ва нодавлат архивларида ҳужжатлар билан сифатли ишланиши, гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида каннабис ўсимлигини етиштириш ва муомалада бўлиши соҳасининг ривожланишига хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг мамлакатимиз махсус иқтисодий зоналарининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича қабул қилинаётган чоралар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Муҳокамада ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва диверсификациялаш, иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва инновацияларни жалб қилиш, инфратузилмани ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган вазифаларни амалга оширишда махсус иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Сўнгги тўрт йил ичида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича кўрилган муҳим чора-тадбирлар туфайли 13 та минтақада 21 та махсус иқтисодий зона ва 143 та кичик саноат зонаси фаолият кўрсатмоқда. Республикадаги махсус иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,91 млрд. АҚШ долларига тенг 368 та лойиҳа рўёбга чиқарилди, шундан 726,8 млн. АҚШ долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш якунларига кўра, 29 351 мингта янги иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси томонидан махсус иқтисодий зоналар фаолиятини ўрганиш пайтида аниқланган салбий фактлар Сенат аъзоларининг жиддий танқидлари ва хавотирларига сабаб бўлди.

Жумладан, мамлакатимиздаги махсус иқтисодий зоналар фаолиятини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини таҳлил қилиш, инвесторлар ўртасида ўтказилган сўровнома асосида қўмита тезликда ҳал қилишни талаб қиладиган бир қатор муаммоли нуқта ва камчиликларни аниқлади.

Биринчи навбатда, бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршилик ва номувофиқликлар, шунингдек, уларнинг давлат органлари томонидан ўзбошимчалик билан талқин этилишидир. Махсус иқтисодий зоналарни ривожлантиришга доир узоқ муддатли стратегиянинг йўқлиги, ваколатли давлат органлари томонидан инвестиция аризаларини кўриб чиқиш жараёни чўзилиб кетиши, асоссиз бюрократик тўсиқлар ва маъмурий чекловларнинг мавжудлиги шулар жумласидан.

Муҳокама доирасида сенаторлар махсус иқтисодий зоналар ҳудудида ваколатли давлат органлари томонидан ҳозирги вақтга қадар муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси (электр энергияси, газ, совуқ сув, канализация) ва ижтимоий инфратузилма сифати, хорижлик инвесторлар, ишчилар ва уларнинг оила аъзолари учун кўп марталик визалар олишнинг соддалаштирилган тартиби билан боғлиқ масалалар ҳал этилмаганлигини қайд этди.

Бундан ташқари, давлат раҳбари ташаббуси билан яратилган қулай шарт-шароитларга қарамай, махсус иқтисодий зоналар, афсуски, хорижий инвесторлар ва тадбиркорларни ўзига жалб этувчи марказларга айланмаганлиги, улар томонидан илғор технологиялар асосида инновацион лойиҳалар қутилган даражада амалга оширилмаганлиги танқид остига олинди.

Шу жиҳатдан мамлакатимиз махсус иқтисодий зоналарининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича қабул қилинаётган чоралар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақида Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.

Шундан кейин никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш самарадорлигини ошириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Жорий йил 6 ноябрь куни Президентимиз раислигида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳага оид долзарб муаммолар кўтарилиб, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида мутасаддиларга муҳим топшириқлар берилганига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Сўнгги йилларда ёшларга оид давлат сиёсати аниқ мақсадларни кўзлаб, босқичма-босқич, комплекс чора-тадбирларга асосланган ҳолда давом эттирилиши баробарида, биринчи навбатда, соғлом она — соғлом бола тамойилини амалда таъминлаш учун барча чораларни кўриш, фарзандларимизни турли касалликлардан асраб-авайлаш, уларнинг саломатлигини ҳар нарсадан афзал билиш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида, аввало, бўлғуси ота ва оналар саналган никоҳланувчи йигит-қизларнинг репродуктив саломатлиги муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимизда ҳар йили ўртача ҳисобда 300 мингдан зиёд никоҳлар қайд этилаётган бўлса, 600 мингдан ортиқ кишилар никоҳ олди текширувидан ўтади.

Никоҳдан ажралишлар сони ёшлар орасида барқарор ўсиб бориб, 2015 — 2019 йилларда жами 29,3 мингтадан 31,4 мингтагача ошди. Оилавий ажралишларнинг сабаблари ўзаро шахсий муносабатлардаги келишмовчиликлар, бепуштлик, ногиронлиги бор болалар туғилиши, эр ёки хотиннинг сурункали касаллиги билан ҳам боғлиқ.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги айрим камчиликлар, ёшларнинг тиббий маданияти даражаси етарли эмаслиги сабабли 2019 йилда 3357 нафар, 2020 йилнинг 6 ойи давомида 4075 нафар бир ёшгача гўдаклар ўлими қайд этилган. Бу ҳолатга ирсий касалликлар ҳамда яқин қариндошлар ўртасида тузилган никоҳ ҳам сабаб ҳисобланади.

Айнан шундай вазиятларга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига мувофиқ никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиш ҳажми ва тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Шу мақсадда 2003 йил 23 августда Ҳукуматнинг “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 365-сонли қарори қабул қилинган.

Бироқ никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан ўтишдаги тизимли муаммолар мавжудлиги, ёшларнинг муносабати жиддий эмаслиги, тиббий кўриклар формал ўтказилиши, шифохоналарда тегишли мутахассислар ҳамда моддий-техника базаси етарли эмаслиги келгусида оилаларнинг мустаҳкамлигига ҳамда туғилаётган фарзандлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти томонидан 2019 йил республиканинг 8 та ҳудудида 842 нафар респондент иштирокида никоҳгача бўлган тиббий кўрик юзасидан ўтказилган сўров натижалари ҳам соҳадаги муаммоларни яққол кўрсатди.

Сўров натижаларига кўра респондентларнинг 88,1 фоизи ўз хоҳиши билан тиббий кўрикдан ўтишини, қолган қисми касалликларни тўлиқ аниқлай олмаслиги сабабли тиббий кўрикдан ўтиш истаги йўқлигини билдирган. Иштирокчиларнинг 80 фоизи тиббий кўрикдан қатор муаммолар билан ўтганлигини, хусусан, 42,5 фоизи тиббий кўрик жуда кўп вақт олишини маълум қилган.

Жумладан, тиббиёт ходимларининг масъулияти етарли эмаслиги ва уларнинг малакаси талаб даражасида эмаслиги, тиббий кўрикка оид айрим касалликлар бўйича яшаш жойидан ўтиш имконияти йўқлиги, шунингдек, айрим ҳолларда коррупцион ҳолатлар мавжудлиги каби муаммолар айтиб ўтилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш самарадорлигини ошириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақида Олий Мажлис Сенатининг қарори қабул қилинди.

Сўнгра Вазирлар Маҳкамасига мамлакатимизда тошқинлар, сел оқимлари, кўчки хавфи мавжуд тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктлари ва иқтисодий объектлар хавфсизлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Аҳоли билан мулоқотлар, уларнинг мурожаатлари, жойлардаги ўрганишлар, тармоққа оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили ушбу соҳада ҳали ҳам қатор тизимли муаммо ҳамда камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг гидрометеорологик ва геологик хавфли ҳудудларида истиқомат қилаётган фуқароларни хавфсиз ҳудудга кўчириш юзасидан таъсирчан назорат тўлиқ ва самарали ўрнатилмаганлиги сабабли бундай ҳудудлардаги 602 та хўжаликдан 117 таси, ушбу хўжаликларда истиқомат қилаётган 2476 нафар фуқародан 624 нафарини хавфсиз ҳудудга доимий яшаш учун кўчириш лозимлиги аниқланган бўлса-да, биргина 2020 йил ўн ой якунига кўра фақатгина 9 та хўжаликнинг 59 нафар фуқароси доимий яшаш учун хавфсиз ҳудудларга кўчирилган холос. Қолган хўжаликлар эса вақтинчалик яшаш учун хавфсиз ҳудудга кўчирилган. Бу дегани вақтинчалик кўчирилган фуқаролар хавфли ҳудудга қайтиб бориб, яшашни давом эттиради.

Бундан ташқари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хавфли геологик жараёнлар кучайиши мумкин бўлган жойлардаги саноат ва хўжалик қурилишларининг лойиҳаларини Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати билан келишиши белгиланган бўлса-да, вилоят ҳокимликлари томонидан 2019-2020 йилларда тоғ ва тоғолди ҳудудларида тадбиркорлик фаолияти, уй-жой қуриш учун Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати хулосаларисиз юзлаб ер ажратиш ҳолатлари кузатилган.

Бугунги кунда тоғ ва тоғолди ҳудудларида Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати хулосаларисиз қурилган саноат ва хўжалик объектларининг сони ҳақидаги аниқ маълумотлар ҳеч бир мутасадди идораларда мавжуд эмаслиги аниқланган.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати ходимлари томонидан гидрометеорологик ва геологик хавфли ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктлари ва иқтисодий объектларни тошқин сувлари, сел оқимлари ва кўчки ҳодисаларидан муҳофаза қилиш мақсадида мутасадди идора раҳбарларига киритилган тақдимнома ва кўрсатмаларга юзаки ёндашиш, ижросини тўлиқ таъминланмаслик ҳолатлари мавжуд.

Хусусан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқармалари ходимлари томонидан мутасадди идора раҳбарларига 2019 йилда киритилган 251 та тақдимноманинг 152 таси, яъни 60 фоизи, 2020 йилнинг 10 ойи давомида эса киритилган 307 та тақдимноманинг 206 таси, яъни 67 фоизи инобатга олинган холос.

Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати ходимлари томонидан 2020 йилда киритилган 41 та кўрсатманинг 6 таси ижроси бажарилмаган, 18 тасининг ижроси эса қисман бажарилган.

Бу каби камчиликлар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати ходимлари томонидан киритилаётган тақдимномалар ижросини таъминламаган ва мутасаддиларга нисбатан таъсирчан чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Бундан ташқари, тошқинга қарши ҳудудий комиссиялар томонидан ҳудудий манзилли дастурлар шакллантирилиши белгиланган бўлса-да, манзилли дастурларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, яъни муҳандислик-ҳимоя ишлари учун тегишли ҳокимликлар ва Молия вазирлиги томонидан етарли миқдорда маблағлар ажратилмай келинмоқда.

Муҳандислик-ҳимоя тадбирлари ўз вақтида олиб борилмаслиги оқибатида қирғоқлари мустаҳкамланиши, дамба тикланиши лозим бўлган ҳудудлар кенгайишига, тошқин сувлари ва сел оқимлари хавфи ортишига шу ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг ҳақли эътирозлари, шунингдек, ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларидаги харажатларнинг кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Биргина мисол: Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги “Кетмон” МФЙга қарашли Октам маҳалласи аҳолисини муҳофаза қилиш учун Бойсун-Оккапчигой сойининг қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари бўйича 2019 йилда зарур бўлган 1 млрд. сўм маблағ ажратилмаган, шу ишлар учун 2020 йилда зарур бўлган маблағ 2 млрд. сўм бўлган лекин ажратилмаган, эндиликда мазкур ишларни 2021 йилда бажариш учун 3 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилиб, дастурга киритилган.

Дарёлар ва сойлардан ўзбошимчалик билан ноқонуний қум-шағал қазиб олиниши натижасида дарё ва сой ўзанлари чуқурлашиб, сув оқимлари тезлашиб, ўзанлари ўзгариши оқибатида қирғоқлар ювилиши, дамбалар бузилиши, кўприкларнинг таянч устунлари емирилиши кузатилиб, дарё қирғоғига яқин масофада яшовчи аҳоли хонадонлари ва иқтисодиёт объектларига хавф юзага келмоқда, автомобиль кўприклари муддатидан олдин авария ҳолатига келиб қолмоқда.

Андижон, Наманган, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё ўзанларидан ноқонуний қум-шағал қазиб олиниши оқибатида 300 га яқин аҳоли хонадонларига хавф юзага келган.

Шунингдек, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида 26 та магистраль йўлларидаги кўприкларнинг таянчлари критик ҳолатга келиб қолган.

Қолаверса, тошқин сувлари, сел оқимларидан зарар кўрган маҳаллий йўлларидаги ички кўприкларни таъмирлаш, қайта тиклашда муаммолар мавжуд.

2019-2020 йилларда республика бўйича ёғингарчилик мавсумида сел оқимлари натижасида маҳаллий ички йўлларнинг 31 та жойида йўл қопламаларига ҳамда 90 та ички автомобиль кўприкларига етказилган зарар бўйича маҳаллий бюджетда маблағ етишмаслиги сабабли шу кунга қадар таъмирланмаган.

Бундан ташқари, “Ўзтрансгаз” АЖ тасарруфидаги магистраль газ қувурларининг дарё ўзанлари ва каналлардан очиқ ҳолатда кесиб ўтган участкалари яқинида ташкил этилган норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишлари натижасида мазкур дарё ўзанларининг ўзгариши дарёдан кесиб ўтувчи магистраль газ қувурларнинг тиргакларини ушлаб турувчи қирғоқларнинг ювилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолатлар, ўз навбатида, магистраль газ қувурлари очиқ ҳолатда кесиб ўтган дарё ва каналлар қирғоқларини тиклаш ва қурилиш ишларига катта маблағлар сарф бўлишига олиб келмоқда.

Шу жиҳатдан Вазирлар Маҳкамасига мамлакатимизда тошқинлар, сел оқимлари, кўчки хавфи мавжуд тоғ ва тоғолди ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктлари ва иқтисодий объектлар хавфсизлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисида Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг Россия Федерациясида меҳнат фаолиятини вақтинча амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Ташқи меҳнат миграцияси соҳасида тизимли назоратни йўлга қўйиш, Ўзбекистон фуқароларини ташкилий асосда ишга қабул қилиш ва жалб этиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ҳукумат томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармон ва қарорлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Хусусан, жорий йил 15 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Ушбу қарор билан фуқароларни касб-ҳунарга ва хорижий тилларга ўқитиш амалиётини самарали йўлга қўйиш, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро тан олинадиган сертификатларни бериш, шунингдек, хорижда мураккаб шароитга тушиб қолган меҳнат мигрантларини молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш амалиётини кенгайтириш, улар учун маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режалари тасдиқланган.

Сенаторлар томонидан соҳадаги муаммо ва қийинчиликларни бартараф этишда айнан ушбу ҳужжатда белгиланган дастурий чора-тадбирларни изчил ҳаётга татбиқ этиш муҳимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, ташқи меҳнат миграцияси соҳасига оид ахборотларнинг тезкор айланишини таъминлаш мақсадида Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ижтимоий тармоқларда (telegram, facebook) расмий ахборот каналлари ишга туширилган ҳамда миграция хизматларини тақдим этувчи мобиль иловалардан ташкил топган “labormigration.uz” дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, ялпи мажлисда меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг самарали механизмини йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган тизимли камчилик ва муаммолар кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигининг шартнома-ҳуқуқий асосини ташкил этувчи асосий ҳукуматлараро битимларнинг Россия Федерацияси ҳудудида тўлиқ амал қилинишини таъминлаш бўйича ишлар тизимли йўлга қўйилмаганлиги сабабли ҳалигача фуқароларни ташкилий асосда ишга қабул қилиш даражаси пастлигича қолмоқда. Мажлисда ушбу кўрсаткич 10 фоиздан кам эканлиги таъкидланди.

Қолаверса, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Ташқи ишлар вазирликларининг ушбу йўналишда Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги ваколатхоналари салоҳиятидан самарали фойдаланишда қатор камчиликлар кузатилаётганлиги ҳам қайд этилди.

Шунингдек, ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда парламентлараро ҳамкорлик салоҳиятидан унумли фойдаланиш ҳамда ушбу масалани Ўзбекистон — Россия парламентлараро комиссияси доирасида тезкор кўриб чиқиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Муҳокама якунида Вазирлар Маҳкамаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Ташқи ишлар вазирликларига қайд этиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, икки томонлама битимларнинг сифатли ижросига алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилди ҳамда тегишли чора-тадбирлар дастурларини қабул қилиш лозимлиги таъкидланди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг боғдорчилик-узумчилик ширкатларининг амалдаги фаолияти ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, парламент сўровида боғдорчилик-узумчилик ширкатлари фаолиятини тўлиқ ҳатловдан ўтказиш, ер участкалари ва бино-иншоотларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ва самарасиз фойдаланилаётган ресурсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ захира ерлар тоифасига қайтариш ва бошқа муаммолар кўтарилган эди. Ушбу масалаларни ҳал қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланганлиги ялпи мажлисда алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, боғдорчилик-узумчилик ширкатлари фаолиятини тартибга солиш механизмини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг июль-август ойларида regulation.gov.uz порталига умумхалқ муҳокамаси учун жойлаштирилган. Мазкур лойиҳада назарда тутилган вазифалар парламент сўровида кўтарилган масалаларни тизимли равишда ҳал қилишга қаратилган. Бироқ бугунги кунга қадар мазкур қарор лойиҳаси қабул қилинмаганлиги сенаторлар томонидан айтиб ўтилди.

Боғдорчилик-узумчилик ширкатлари ўтган асрнинг 80-йилларига қадар шаҳарлар ҳудудида жойлашган, кўп қаватли уйларда истиқомат қилиб келган йирик саноат корхоналари, ташкилот ва муассасалар ишчи-ходимларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ажратилган ер майдонларида ташкил этилган.

Бироқ кейинги йилларда ушбу хўжаликлар бу функцияни деярли бажармай қўйди. Бугун дала ҳовлиларнинг аксарияти аввалгидек дам олиш кунлари бориб, экин экадиган жойлар эмас, балки йил давомида яшаб, рўзғор тебратадиган жойларга айланганлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, кўпчилик дала-ҳовлилардан, бу айниқса, Тошкент вилояти ва бошқа ҳудудлардаги тоғ ва тоғолди ҳудудларида кузатилади, тижорат мақсадларида фойдаланилмоқда. Номини сўрасангиз, дала-ҳовли, аслида эса меҳмонхона, чойхона, кафе ва бошқа шу каби маиший хизмат жойлари эканлиги айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, бугунги кунда боғдорчилик-узумчилик ширкати аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқариш тартибига риоя қилинмаяпти. Ширкат бошқаруви билан боғлиқ корпоратив низолар кўпайган.

Адлия вазирлиги томонидан ҳужжат лойиҳасида назарда тутилган боғдорчилик-узумчилик ширкатлари учун ажратилган ер участкаларида жойлашган бино ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказишга оид қоидалар қонун ҳужжатларига зид эканлиги борасида жиддий эътирозлар билдирилган. Қолаверса, лойиҳанинг айрим бандларини қайта кўриб чиқиш лозимлиги ҳамда мазкур ҳужжат лойиҳасини таклиф этилган таҳрирда қабул қилишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳам айтилган. Бу эса мазкур масала юзасидан жойига чиққан ҳолда пухта ва жиддий ўрганишларни амалга ошириш заруратини кўрсатмоқда.

Юқоридагиларга асосан боғдорчилик-узумчилик ширкатлари фаолиятини комплекс ўрганиш, юзага келаётган муаммоларни аниқлаш, бартараф этиш ва соҳани тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 ноябрдаги 490-ф-сонли фармойиши қабул қилинган.

Мазкур фармойиш билан ширкатлар фаолиятини комплекс ўрганиш мақсадида республика ишчи гуруҳи, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ишчи гуруҳларининг намунавий таркиби тасдиқланган.

Шу жиҳатдан ялпи мажлисда боғдорчилик-узумчилик ширкатлари ҳудудида қурилган иморатларни тураржой тоифасига ўтказишнинг очиқ ва шаффоф механизмларини жорий этиш лозимлигига алоҳида урғу берилди. Бундай ширкатлар жойлашган ҳудудларда ижтимоий соҳа объектлари фаолиятини аҳолининг реал сонига мутаносиб равишда ривожлантириш, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш чора-тадбирларини кучайтириш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тизимли равишда йўлга қўйиш заруратига ҳам эътибор қаратилди.

Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенатнинг тўққизинчи ялпи мажлиси кун тартибидаги навбатдаги масала — мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этишда юзага келаётган муаммолар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари ҳам муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, бутун дунё бўйлаб ҳукм сураётган COVID-19 коронавирус пандемияси инсон саломатлигини сақлашда чиниқиш, иммунитет мустаҳкамлиги қанчалар муҳим аҳамият касб этишини яна бир бор исботлади.

Дори-дармонлар сифатини ва таъсирчанлигини ошириш, вирусга қарши вакцина яратиш каби чоралар ҳам ўз йўлига, лекин соғлом турмуш тарзини кундалик қоидага айлантириш орқали аҳоли саломатлигини мустаҳамлаш муҳимлигини бугун бутун дунё давлатлари бир овоздан маъқуллади.

Шунинг учун сўнгги йилларда юртимизда аҳолини, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш, уларнинг соғлом ҳаёт кечиришларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Президентимиз томонидан 2020 йил 30 октябрда имзоланган “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бунинг ёрқин тасдиғидир.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида туман (шаҳар) ва маҳаллаларда жисмоний тарбия-соғломлаштириш инфраструктураси шакллантирилади. Хусусан, 9146 та маҳаллада 18292 та жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт майдончаси, 204 та туман (шаҳар)да саломатлик ва велосипед йўлаклари бунёд этилади.

Мажлисда Сенат томонидан аҳоли, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш юзасидан Ҳукуматга парламент сўрови юборилгани қанчалар ўринли ва долзарб масала бўлгани алоҳида таъкидланди.

Юборилган сўров Вазирлар Маҳкамасининг Раёсатида муҳокама қилингани ва тегишли чоралар кўрилгани ҳақида маълумот берилди.

Бугунги кунда республикада мавжуд 51 651 та спорт иншоотининг бир кунлик машғулотлар ўтказиш қуввати 2,1 млн.тани ташкил этади. Уларнинг 417 таси стадион, 10 863 таси спорт зали, 316 тасини сузиш ҳавзаси, 182 таси отиш тири, 39 841 таси спорт майдончаси, 8 таси отчопар ва 24 таси спорт манежидан иборат.

Ҳудудларда жойлашган очиқ спорт объектлари ҳамда истироҳат боғларида аҳолининг югуриш, юриш, бадантарбия ва бошқа спорт турлари билан шуғулланиши учун 5 447 та маҳаллага 7 905 нафар тренер бириктирилган.

Инвестиция дастури асосида ҳозиргача 68 та спорт иншооти фойдаланишга топширилган. 2020 йилда 44 та спорт иншоотини фойдаланишга топшириш юзасидан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши натижасида бир кунда қўшимча 13 493 нафар аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун имкониятлар яратилади.

Карантин даврида аҳоли, хусусан, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган онлайн спорт мусобақаларига 326 000 дан ортиқ аҳоли жалб этилган. Шунингдек, карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда “яшил ҳудуд”ларда спортнинг 42 та тури бўйича спорт тадбирлари ҳамда бадантарбия машғулотлари йўлга қўйилган.

Мажлисда сенаторлар Президентимизнинг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини тўлиқ назорат қилиш ҳамда COVID-19 коронавирус пандемияси даврида жорий этилган карантин чекловлари сабабли фаолият олиб бормаган спорт тўгаракларида келгусида қўшимча ўрганишлар ўтказиш ва бунда уларга қанча ёшлар жалб этилгани, мазкур тўгараклар нинг хизмат кўрсатиш нархи аҳоли реал даромадига мувофиқлиги, камбағал оилалар вакилларига спорт машғулотлари учун яратилган имкониятлар ва имтиёзлар каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда аҳоли, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш масаласи қўшимча ўрганилиб, Сенатнинг 2021 йилдаги ялпи мажлисларида муҳокама этилишига келишиб олинди.

Мазкур масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бизнес юритишлари учун қулай муҳит ва кенг имкониятлар ҳамда кафолатлар бериш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш — ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири. Хусусан, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида узоқ муддат бола парваришида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган аёлларни меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлаш ишлари олиб борилган. Шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирганларига кўмаклашилиб, бизнес ғояларини тайёрлашда консультатив ёрдам берилган. Натижада жорий йилда 99,1 минг нафар иш билан банд бўлмаган хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган, 11,5 минг нафари меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитилган. Иш билан банд бўлмаган хотин-қизларнинг 412,1 минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган.

Шу билан бирга, мажлисда сенаторлар соҳада ўзининг ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжудлигини таъкидлади.

Хусусан, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун уларнинг тижорат банклари кредит ресурсларидан фойдаланишида ҳам бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Жумладан, 2020 йилда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тегишли кредит ресурслари йўналтирилган. Аммо аксарият ҳолларда, тадбиркор аёлларга фонд томонидан ажратилган маблағлар тижорат банклари томонидан ўз вақтида берилмаган.

Сенаторлар томонидан қайд этилганидек, парламент сўровида кўтарилган айрим муаммоли масалалар Вазирлар Маҳкамасининг маълумотида тўлиқ ёритилмаган. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун масъул бўлган ташкилотларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлаш, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар қатламини аниқлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича тасдиқланган манзилли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши каби масалалар шулар жумласидан.

Ялпи мажлисда соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича қатъий чоралар кўриш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Раматовга чиқиндилар билан боғлиқ масалаларда вужудга келган муаммолар ва уларнинг аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ушбу тизимни янада такомиллаштириш, чиқиндиларни қайта ишлашда юқори технологиялар қўлланиладиган ишлаб чиқаришларни жорий этиш, соҳага тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш янги тартиби жорий қилинди.

Шунга қарамай, соҳани мувофиқлаштирувчи ҳамда назорат қилувчи ягона давлат органининг мавжуд эмаслиги, чиқиндиларни сақлаш, полигонларга жойлаштириш ва уларни йўқ қилишга етарлича эътибор берилмаганлиги туфайли соҳада қатор муаммолар сақланиб қолаётганлиги сенаторлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Хусусан, қурилиш чиқиндиларини жойлаштириш полигонлари ташкил қилинмаганлиги натижасида уларни автомобиль йўллари ёқаларига, сув объектларининг муҳофаза зоналарига ва бошқа қаровсиз ҳудудларга ташлаб кетиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Тиббиёт ва биологик чиқиндиларни хавфлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда утилизация қилиш борасидаги муаммолар сақланиб қолаётгани аҳоли орасида турли юқумли ва бошқа турдаги касалликлар тарқалиш хавфини туғдирмоқда.

Бу борада мутасаддилар айбдорларга нисбатан керакли чораларни кўрмасдан жаримага тортиш билан чекланиб қолишмоқда.

Маиший чиқинди полигонларининг атрофини ўраш бўйича ишлар талаб даражасида олиб борилмаган, полигонлар рекультивация қилинмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Маиший чиқиндиларни кўмишга мўлжалланган санитария ва экологик меъёрлар талабларига жавоб бермаганлиги сабабли 51 та (умумий майдони 282,3 гектар) полигон фаолият олиб бормаяпти.

Шу жиҳатдан сенаторлар “Чиқиндилар тўғ

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 21 ноябрь

Инсон ҳуқуқлари бўйича Парламент комиссияси

МАҚСАДИ, ВАЗИФА ВА ВАКОЛАТЛАРИ

1 Бундай нуфузли тарқиб келгуси фаолиятимиз самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу ўринда Парламент комиссиясига аъзолик билан боғлиқ иккита омилга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчи омил: Парламент комиссияси аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Иккинчи омил: Парламент комиссияси аъзоси унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Сенат аъзоси сифатидаги ваколатлари муддати тугаган ёки муддатидан олдин ваколатлари тугатилган тақдирда, Парламент комиссиясидаги ўз фаолиятини тугатади.

— Янги Парламент комиссиясини тузишдан мақсад, унинг моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?

— Ҳар икки палатанинг қўшма қарори билан Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси Регламенти тасдиқланди. Регламентда Парламент комиссиясининг мақсади, вазифа ва ваколатлари белгилаб берилган.

Парламент комиссиясининг асосий мақсади — инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимизнинг халқаро мажбуриятларига риоя этилишига ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга оширишга кўмаклашиш.

— Парламент комиссиясининг вазифалари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Парламент комиссияси зиммасига аниқ ва равшан вазифалар юкланган. Хусусан, у инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда қатнашади.

Комиссия инсон ҳуқуқлари масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахслари томонидан бажарилиши ҳолатини танқидий ўрганади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларига мувофиқ миллий ҳаракат режалари — “йўл хариталари” бажарилишини тизимли мониторинг қилади. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича миллий маърузалари лойиҳалари муҳокамаларини ўтказади.

Мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича миллий маърузаларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти устав органлари ва қўмиталарида кўриб чиқиш якунлари муҳокамаларини ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тайёрлайдиган мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари ижро этилишини таъминлаш тўғрисидаги йиллик ахбороти Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқилишига кўмаклашади.

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ҳамда шартномавий қўмиталари тавсияларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил этиш ҳамда бартараф қилиш билан шуғулланади. Қолаверса, бу йўналишда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқади.

Бундан ташқари, Парламент комиссияси ўз фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни амалга оширади. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари соҳасида илғор хорижий тажрибани ўрганиб бориш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш жараёнларида фаол иштирок этади.

— Парламент комиссияси қандай ҳуқуқ ва ваколатларга эга?

— Парламент комиссияси зиммасига юкланган вазифаларни ҳал қилиш учун, жумладан:

биринчидан, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ҳаракат режалари — “йўл хариталари”, Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари ҳамда БМТ тузилмалари тавсияларини бажариш бўйича ахборотини эшитиш юзасидан Олий Мажлис палаталарига таклифлар киритиш;

иккинчидан, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларига мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича парламент сўровини, Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг сўровини юбориш юзасидан таклифлар киритиш;

учинчидан, тегишли давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларига мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича тавсиялар тақдим этиш;

тўртинчидан, таркибига давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари, илмий муассасаларнинг вакилларини ҳамда мутахассис ва олимларни киритган ҳолда, мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш масалаларини кўриб чиқиш учун илмий-эксперт ҳамда ишчи гуруҳлар тузиш;

бешинчидан, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тегишли ҳужжатларни, экспертларнинг хулосаларини, статистик ҳамда бошқа ахборотни сўраб олиш;

олтинчидан, Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

еттинчидан, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига риоя этилиши масалалари бўйича мавзуга доир конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Парламент комиссияси, шунингдек, ўз қарорлари ижроси устидан назоратни амалга оширишга ҳақлидир.

Парламент комиссияси ўз ваколатларини амалга ошириш учун давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда улар мансабдор шахслари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, таълим масканлари ва илмий муассасалар вакиллари ҳамда экспертлар билан ҳамкорлик қилади.

— Парламент комиссияси фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?

— Янги Ўзбекистоннинг янги парламенти талаблари ва андозаларига мос равишда янги Парламент комиссияси фаолиятини ташкил этиш жараёнлари демократия ҳамда очиқлик мезонларига таянади, албатта. Шу мезонлардан айримларини санаб ўтаман.

Биринчи демократик мезон — Парламент комиссияси мажлислари, қоида тариқасида, очиқ ва ошкора ўтказилади. Парламент комиссияси мажлисларига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, илмий муассасалар, шунингдек, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда масъул ходимлари таклиф этилиши мумкин.

Иккинчи демократик мезон — Парламент комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик эътиборига етказилади.

Учинчи демократик мезон — Парламент комиссияси фаолиятини самарали амалга ошириш ҳамда таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида тегишли соҳаларда назарий ва амалий тажрибага эга мутахассислардан илмий-эксперт ҳамда ишчи гуруҳлар ташкил этиши мумкин.

Тўртинчи демократик мезон — комиссия ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида ахборот бериб боради.

Пировардида шуни ҳам қайд этиш жоизки, Парламент комиссияси фаолиятини ташкилий ҳамда ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти амалга оширади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

БУ МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁНДА:

- ✓ инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш;
- ✓ миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш;
- ✓ инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантириш;
- ✓ мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсини янада мустаҳкамлаш;
- ✓ Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича миллий ҳаракат режалари, яъни “йўл хариталари”ни ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- ✓ бу йўналишда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш;
- ✓ инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга ошириш мақсадлари Парламент комиссиясининг доимий диққат марказида туради.

ЖАМИЯТИМИЗДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР – ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Сенатининг видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар мамлакатимиз аҳолисининг кундалик ҳаётида учраётган долзарб муаммолар ва уларни самарали ҳал этишга қаратилган масалаларни муҳокама қилишди. Ялпи мажлис кун тартибига кўра, бир қатор янги қонунлар маъқулланди, сенаторларга халқимиз томонидан бўлаётган мурожаатлар асосида Вазирлар Маҳкамасига тегишли тартибда парламент сўровларини юбориш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Мухбиримиз Олий Мажлис Сенати аъзоларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Муносабат

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси:

— Айтиш жоиз, биз мулкдорлар ҳуқуқини қонуний асосда ҳимоялашга қанчалик ҳаракат қилмайлик, баъзи маҳаллий ҳокимлар ҳамон амалдаги қонун ҳужжатларини, таъбир жоиз бўлса, “айланиб ўтишга” ҳаракат қилмоқда. Шу боис жорий йил май ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида айнан ҳокимлар томонидан қарорлар қабул қилинишида қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати юзасидан парламент сўрови юборилиб, кейинги ялпи мажлисларда кенг муҳокама қилинган эди.

Натижада ҳокимларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнини автоматлаштириш, тадбиркорликка оид қарорларининг Ҳукумат томонидан мониторингини юритиш, қолаверса, белгиланган индикаторлар ва мақсадли параметрларнинг ижроси бўйича ҳокимлар ўз ҳудудларидаги оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчиликка мунтазам ахборот бериб бориш тизими йўлга қўйилиб, улар фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмларини ривожлантириш чоралари кўрилди.

“Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад — давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилинишига йўл қўйилмаслик тамойилини қонун билан мустаҳкамлашдир.

Янги Қонуннинг мазмуни ва таъсири жамият ҳаёти ҳамда иқтисодиётимиз учун катта аҳамиятга эга. Ўз навбатида, ушбу Қонун коррупция деган иллатнинг олдини олишга қаратилган қонунлар сирасига киради, десак ҳам муболаға бўлмайди.

Дилорам ТОШМУҲАМЕДОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ёш авлоднинг соғлом ва баркамол вояга етишида, биринчи навбатда, бўлғуси ота ва оналар саналган никоҳланувчи йигит-қизларнинг репродуктив саломатлиги муҳим ўрин тутади.

Қўмитамиз ҳамда “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти томонидан ўтган йили республиканинг 8 та ҳудудида никоҳгача бўлган тиббий кўрик юзасидан ўтказилган сўров натижалари бу борада кўплаб муаммолар борлигини кўрсатди.

Унга кўра, сўровномада қатнашган 900 га яқин иштирокчиларнинг 88,1 фоизи ўз хоҳиши билан тиббий кўрикдан ўтишини, қолган қисми касалликларни тўлиқ аниқлай олмаслиги сабабли тиббий кўрикдан ўтиш истаги йўқлигини билдирган. Иштирокчиларнинг асосий қисми тиббий кўрикдан қатор муаммолар билан ўтганлигини, хусусан, 42,5 фоизи тиббий кўрик жуда кўп вақт олишини маълум қилган.

Шу сабабли сенаторлар никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда холислик ва репродуктив саломатликка оид масалаларда бепул маслаҳатлар бериш, шифокорлар ҳамда ФҲДЁ органлари ходимларининг масъулиятини ошириш, кўрикдан ўтказиш бўйича тиббий хизмат кўрсатувчи муассасалар фаолиятини мониторинг қилувчи ягона ташкилотни белгилаш каби бир қатор таклифларни билдирган.

Кўриниб турибдики, соҳада айрим муаммолар бор ва уларни ўз вақтида ҳал қилишнинг самарали усулларини топиш лозим. Шуларни инобатга олиб, никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш самарадорлигини ошириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Сенатнинг тўққизинчи ялпи мажлисида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун вазирлик ҳамда идоралар ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қандай ижро этилаётгани муҳокама қилинди.

Таҳлил ва ўрганишлардан кўриниб турибдики, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳий ўзгаришлар ҳақида аҳолини етарли даражада хабардор қила олмаяпти. Олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар мақсад-моҳияти атрофлича очиб берилмаяпти. Аҳолида туғилаётган саволларга ўз вақтида жавоб айтилмаслиги оқибатида муаммо ва мурожаатлар айрим жисмоний шахслар томонидан турли миш-мишлар ҳамда бўрттиришлар тарзида, асосланмай нохолис тарқатилмоқда.

Бундай ҳолатлар, афсуски, вазирликлар ва идораларнинг нуфузи ҳамда салоҳиятини туширишга олиб келиши, одамларда ислоҳотлар тақдирига ишончсизлик кайфиятини келтириб чиқариши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Сенати Вазирлар Маҳкамаси олдига мавжуд қонунчиликка ўзгартишлар киритиш юзасидан уч ой муддатда тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш вазифасини қўйди.

Бунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилаётган қарорлар, буйруқлар лойиҳаларини аҳоли ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасидаги муҳокамасини ташкил этиш, чеклаб қўйилган маълумотлар доирасига қандай маълумотлар киришини аниқ белгилаш, республика ва ҳудудий давлат органлари томонидан бюджет маблағларининг харажат турлари бўйича сарфланиши юзасидан маълумотларни очиқлаш, бундай маълумотларни реал вақт режимида кузатиб бориш имкониятини яратиш мақсад қилинмоқда.

Мунисхон КАРИМОВА
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

ЁШЛАРГА ЎЗ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ЎРГАТИЛЯПТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар бир қатор қонун лойиҳалари билан бирга, мутасадди вазирлик ва идоралар масъулларига юборилган парламент сўровига жавобларни кўриб чиқди. Асосий эътибор тегишли соҳаларда амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларига қаратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Нарх барқарорлигини таъминлашда аниқ чоралар кўрилмоқда

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Бош вазир ўринбосари Ш. Ганиевнинг жавобида қайд этилишича, 2018 йилда 20 та туманда 160 минг гектар майдонда пахта-тўқимачилик кластерлари фаолият юритган бўлса, 2020 йилга келиб уларнинг сони 100 тага етказилди ва умумий пахта майдонининг 927 минг гектари ёки 90 фоизи ажратиб берилди.

Ҳозирги вақтда республикада 86 та мева-сабзавотчилик, 124 та ғаллачилик, 33 та шоличилик, 8 та картошкачилик кластерлари ҳамда 94 та мева-сабзавотчилик ва 11 та пахтачилик кооперациялари фаолияти йўлга қўйилган.

Агросаноат кластерлари ва кооперациялари билан маҳсулот етиштирувчилар ўртасида муносабатларни аниқ тартибга солиш ҳамда соҳа самарадорлигини ошириш мақсадида “Қишлоқ хўжалиги кооперацияси ва агросаноат кластери тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, айни пайтда Вазирлар Маҳкамасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда.

Парламент сўровига жавобда таъкидланганидек, 2020 йилда мамлакат бўйича 1 миллион 78 минг гектар сувли ва 181 минг гектар лалми майдонлардан дон ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичи 7,6 миллион тонна қилиб белгиланган. Шундан 3 миллион 19 минг тонна донни давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериш белгиланиб, амалда 3 миллион 80 минг тоннадан ортиқ дон сотилган. Бошоқли дон етиштирилган 147 та туманда давлат эҳтиёжларига дон топшириш шартномаси ортиғи билан бажарилган. Лекин шунга қарамасдан, мавжуд суғориладиган ер майдонларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини тежаш ва юқори сифатли бошоқли дон етиштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Хусусан, 2020 йилда 2 минг 229 фермер хўжалиги томонидан бошоқли дон етиштириш бўйича тузилган шартномалар бажарилмаган. Шу боис ўтган йилдан бошлаб, эксперимент сифатида ғаллачиликда маҳсулот етиштиришдан тортиб, қайта ишлаш ҳамда сотишгача бўлган барча жараённи ўз ичига олувчи кластер усули жорий этилди.

Ички бозордаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўсимлик ёғининг нархи барқарорлигини таъминлаш мақсадида тегишли экинлар майдонларини кенгайтириш

бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигининг муҳим бўғини ҳисобланган уруғчилик соҳасидаги муаммоларни бартараф қилиш юзасидан аниқ амалий чоралар кўрилятпи.

Қайд этилишича, қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритилган ерларнинг 86,4 минг гектарига экинлар экилган. 2021 йилда республика бўйича жами 85,8 минг гектар асосий майдонларга мойли экинларни экиш белгилаб олинган.

Долзарб бўлган масала — ички бозорларда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарор сақланишини таъминлашда шу йил 9 октябрда қабул қилинган Президент қарори муҳим асос бўлмоқда. Унга кўра, гўшт, картошка ва ўсимлик ёғи импорти божхона божи тўловларидан озод этилди. Натижада четдан келтирилаётган гўшт, картошка ҳамда ўсимлик ёғи маҳсулотларининг ички бозордаги нархини ўртача 10 — 15 фоизгача пасайтириш имконияти яратилди.

Ички бозорда гўшт ва гўшт маҳсулотлари нархини барқарорлаштириш мақсадида бугунги кунда фаолият кўрсатаётган чорвачилик хўжаликларига арзон озуқа экинлари етиштириш учун жорий йилда қўшимча 50 минг гектарга яқин ер майдони ажратиб берилди.

Парламент сўровига жавобда, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг сабзавотчилик, полизчилик, мевачилик соҳаларида, пахта ҳосили теримини механизациялаштириш даражасини ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

Мажлисда Бош вазир ўринбосарининг парламент сўровига жавоби депутатлар томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Саволга вазир жавоб берди

Депутатлар “Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида олиб борилаётган ҳуқуқий таълим ва тарбия ишлари самарадорлиги тўғрисида”ги масала юзасидан юборилган Қонунчилик палатасининг парламент сўровига олий ва ўрта махсус таълим вазирининг жавобини атрофлича кўриб чиқишди.

Парламент сўровига жавобда қайд этилганидек, Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелдаги Фармонига мувофиқ, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек, таълим муассасаларида олиб борилаётган ҳуқуқий таълим ҳамда тарбия ишлари борасида тизимда учта — ўқув-услубий, ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий ҳамда ташкилий-амалий йўналишларда қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Чунончи, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, таълим муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий билимлари узлуксиз ҳамда тизимли ошириб борилишини таъминлаш механизми жорий этилган. Шунингдек, ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ўқув дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилган. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, касб-ҳунар мактабларида бошланғич профессионал таълим даражасида умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда 2 йиллик умумтаълим ҳамда мутахассислик фанларининг интеграциялашган дастурлари асосида кундузги таълим шаклида таълим жараёни олиб борилмоқда.

Ёшларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини ўргатишга қаратилган “Street law” (Кўча ҳуқуқи — оддий ҳуқуқ) лойиҳаси доирасида 40 нафар ўқитувчи ва талабадан иборат гуруҳ шакллантирилиб, улар томонидан Тошкент шаҳридаги мактаб ўқувчиларига ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича интерфаол машғулотлар олиб борилган.

Парламент сўровига жавобда таъкидланишича, юриспруденция соҳасида кадрлар тайёрлаш мамлакатимиздаги 5 та олий таълим муассасасида йўлга қўйилган. Тошкент давлат юридик университети мазкур мутахассислик бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлашда базавий олий таълим ва илмий-методик муассаса ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан Самарқанд давлат университетида ҳуқуқшунослик, Наманган давлат университетида юридик факультетлари ташкил қилинган.

Мажлисда ёш авлоднинг ҳуқуқий билимини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, таълим олишлари учун кенг имкониятлар яратишга доир қатор таклифлар илгари сурилиб, парламент сўровига юборилган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девони жамоаси Девон ходими Ю. Жўраевга отаси
Ачил ЖЎРАЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси университетнинг Туризм ва сервис кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори Маҳбуба Алиевага онаси
Хосият АБДУСАТТОРОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси институтнинг Банк ҳисоби ва аудит кафедраси катта ўқитувчиси Меҳриддин Кенжаевга отаси
Ғиёс КЕНЖАЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 30 509 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.30 Топширилди — 04.05 1 2 3 4 5 6